# Шеробод тумани ҳокими З.Халиловнинг фуқаролар билан навбатдаги қабули бўлиб ўтди

Жамиятда фуқароларнинг мурожаатларига доимий эътибор ниҳоятда муҳим масаладир. Чунки фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги қанча юқори бўлса, жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган муаммолар шунча тез бартараф этилади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга, фуқаролик жамияти институтлари вакилларига қилаётган мурожаатлари эътибордан четда қолмаслиги лозим.